

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИ ЧЕКЛАШ МАЗМУН-МОХИЯТИ.**Д.Қандахорова**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
кафедра катта ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15102505>

Аннотация. Мақолада ота-оналик ҳуқуқини чеклаши тартиби ва асослари, мазкур жараённинг ота-она ва уларнинг фарзандлари учун ҳуқуқий оқибатлари ҳамда бу борада олимларнинг фикрлари, суд амалиётида мазкур тоифадаги низоларини кўриб ҳал этишида қонун нормаларини қўллаши билан боғлиқ муаммолар, амалий таклифлар ишилаб чиқилган.

Калим сўзлар: ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, фарзанд, оила, мажбурият, низолар.

СОДЕРЖАНИЕ РОДИТЕЛЬСКИХ ПРАВ-СУТЬ.

Аннотация. В статье рассмотрены порядок и основания ограничения родительских прав, правовые последствия этого процесса для родителей и их детей, а также мнения ученых по этому поводу, проблемы, связанные с применением правовых норм в судебной практике и разрешением споров данной категории и разработаны практические предложения.

Ключевые слова: ограничение родительских прав, ребенок, семья, обязательства, конфликты.

PARENTAL RIGHTS CONTENT-ESSENCE.

Abstract. In the article, the procedure and grounds for limiting parental rights, the legal consequences of this process for parents and their children, as well as the opinions of scientists in this regard, problems related to the application of legal norms in judicial practice and the resolution of disputes of this category, and practical suggestions have been developed.

Key words: restriction of parental rights, child, family, commitment, conflicts.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонига кўра, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришда бир қатор устувор вазифалар белгиланди¹. Ўтган йиллар давомида республикамиизда бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қатор халқаро ҳужжатларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш жараёнлари жадаллашиб борди.

Масалан, 1992 йил 9 декабрда Республикамиз “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди, 2008 йил 7 январга келиб, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Президентнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони. [электрон ресурс] қаралган вақти 27.05.2024 йил. <http://lex.uz/docs/6600413>

09.08.2021 йилги ПФ-6275-сонли Фармони билан Республикаизда Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили- Болалар омбудсмани институти таъсис этилди.

Бола ҳуқуқлари химоясига қаратилган қонун хужжатлари амалда ижроси таъминланаётган бир вақтда, жамиятимизда болалар тарбияси, уларнинг моддий таъминоти билан боғлиқ масалалар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Ота-она ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар Конституциямизнинг 77-моддасига асосан, ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиш, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур.

Ўз навбатида, болаларнинг ҳам ўз ота-оналарининг ғамхўрлиги остида тарбияланиш билан боғлиқ ҳуқуқлари Халқаро ҳамда миллий қонунчилигимизда кафолатланади.

Хусусан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Халқаро Конвенциянинг 9-моддасига асосан, болалар ўз ихтиёрларига қарши ота-оналаридан ажратилиши мумкин эмас, бундай харакат алоҳида истисноли ҳолларда, яъни суд қарори асосида боланинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши мумкин.

Айни шу мазмундаги норма миллий қонунчилигимиз, яъни “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида ҳам белгиланган.

Боланинг ўз ота-онаси тарбиясидан ажратилиши, фақат унинг манфаатларида, суднинг қарори билан амалга оширилиши, бунда бола, фақат ота-онаси ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинса ёки мазкур ҳуқуқ чекланса, уларнинг тарбиясидан олиниши мумкинлиги назарда тутилади.

Оила қонунчилиги “ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш” тушунчасига алоҳида таъриф бермасдан, мазкур ҳуқуқни чеклаш асослари ва оқибатларини тўғридан-тўғри белгилаб беради.

Бу борада илмий манбаларда олимлар қуидаги фикрларни илгари сурганлар.

Л.В.Ладочкинанинг фикрича² (таъкидлашича), ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш болани ота-онани ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан туриб, ота-она тарбиясидан олишга қаратилган давлат мажбуров таъсир чорасидир.

Л.М.Пчелинцеванинг фикрича³, ота-она ёки улардан бирининг айбли қилмиши оиласвий-ҳуқуқий жавобгарлик таъсир чораси сифатида ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлиши мумкин.

² Ладочкина Л.В. “Ограничение родительских прав”. Вестник Саратовской государственной юридической академии. 2017. -№4.-С. 101-104.

³ Пчелинцева Л.М. “Семейное право Россия” Издательство НОРМА. –С. 363.

Т.В.Краснова⁴ ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш ўзининг мазмун-моҳиятига кўра вақтингчалик чора эканлигини, ота-оналиқ ҳуқуқини чеклашда ҳамма вақт ҳам уларнинг айбли ҳаракатлари асос бўлмаслигини баён қиласди.

Бир гурӯҳ олимлар, хусусан Н.А.Абляптева, Ю.С.Луговаяларнинг фикрича⁵ ота-она ўзининг тарбиясида бўлган вояга етмаган фарзандлари учун хавф туғдириши билан боғлиқ салбий ҳолатлар ҳам учрайди, бу ҳолатда жамият болани ота-онадан тўлиқ ажратишни эмас, балки уларнинг ҳатти-ҳаракатлари тарбиячи ва тарбияланувчи муносабатларига номутаносиб келган ҳолларда уларнинг ота-оналиқ ҳуқуқини чеклашни кўзда тутади.

Юқоридаги олимларларнинг фикрларига қисман қўшилган ҳолда, “ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш тушунчасини фақат тор доирада, яъни болани қонунда белгиланган асосларга кўра ота-онаси тарбиясидан олиш маъносида эмас, балки ота-она бола билан алоҳида яшаётган ҳолларда ҳам агар уларнинг ҳатти-ҳаракатлари боланинг ҳаёти ва соғилиги учун хавф түгдирган тақдирда уларнинг фарзандига нисбатан ота-оналиқ ҳуқуқларини чеклаш”ни ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Миллий қонунчилигимизда, ота-оналиқ ҳуқуқини чеклашнинг иккита асоси келтириб ўтилади.⁶

Биринчиси, болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра болага нисбатан хавфли бўлганда (ота-онанинг рухияти бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар);

Иккинчиси, ота-онанинг айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги оқибатида болани уларни тарбиясида қолдириш унга нисбатан хавф түгдирганда (ота-она томонидан болани тизимли равища назоратсиз қолдириш ёки уларнинг спиртли ичимлик таъсирида уйда тез-тез жанжал уюштириши, ахлоқ нормаларига зид ҳаёт тарзи юритиши ёхуд ота-онанинг бошқа айбли қилмишлари бола учун хавф түгдирган ҳолатлар);

Иккала ҳолатда ҳам, болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-автори бола учун хавф түгдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда, суд уларни ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилмасдан, ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш (болани олиш) ҳакида қарор қабул қилиши мумкин.

⁴ Краснова Т.В. “Лишение родительских прав: концептуальные ошибки законодателья и проблемы правоприменительной практики. Вестник Омского Университета. Серия “Право”. 2015 №3.

⁵ Абляптева Н.А., Луговая Ю.С. Крымский вестник. №1.(22). 2019 г.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова; 2003 й., 03/24/905/0106-сон.

Боланинг оилада ва оиладан ташқарида алоҳида хукуқий мақоми ва ҳимояга олинишининг асосий сабаби- уларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий балоғатта етмаганлиги муносабати билан тўлиқ ёки қисман ҳимояга ва ғамхўрликка мухтожлигидан келиб чиқади⁷.

Таъкидлаш жоизки, ота-оналиқ ҳукуқини вақтинчалик муддатда чеклаш орқали, ота-онага ўзининг аҳлоқий тарбиясини яхшилаш, фарзанд олдидағи ота-оналиқ мажбуриятларини бажаришга бўлган муносабатини ўзгартириш учун имконият яратилади, уларнинг келгусида бола ҳуқуқлари ва манфаатларига қарши ҳуқуқбузарлик содир этишини олдини олиш таъминланади.

Агар бола суднинг қарори билан ота-она (улардан бири)дан олиб қўйилиб, ота-оналиқ ҳуқуқи чеклангандан сўнг, ота-она ўз хулқ-авторини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналиқ ҳукуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин олти ой ўтгач, уларни ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт.

Шу ўринда, ота-оналиқ ҳукуқини чеклаш ва ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш тушунчаларини бир-биридан фарқлаш мухим. Булар қўйидагиларда кўринади:

-бираинчидан, ота-оналиқ ҳукуқини чеклаш вақтинчалик чора бўлиб, токи ота-онанинг хулқ-автори боланинг ҳаёти, соғлиғи ва маънавий камолоти учун хавф туғдириши барҳам топгунга қадар амал қиласи;

-иккинчидан, ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ота-оналиқ ҳукуқини чеклаш асослари қонунда алоҳида белгиланган ва бир-биридан фарқланади (Мисол учун ота-онанинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда оғир касаллик туфайли ёки руҳий касаллик сабаб болани тарбиялаш имконига эга бўлмаслиги асоси билан фақат у тузалиб кетгунича болани унинг тарбиясидан олиш (ота-оналиқ ҳукуқини чеклаш) мумкин, бироқ бу кейинчалик болага нисбатан ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос бўлмайди);

-учинчидан, ота-оналиқ ҳуқуқи чекланганда, агар ота-онанинг бола билан учрашиши унинг руҳий ҳолати ёки соғлиғига хавф туғдирмаса, Васийлик ва ҳомийлик органи ёки бошқа қонуний вакилларнинг розилиги билан ота-онанинг бола билан кўришишига руҳсат берилади;

-тўртинчидан, ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилиш, фақат уларнинг айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги оқибатида ота-оналиқ мажбуриятларини бажармаслиги оқибатида қўлланадиган охирги чорадир.

Ота-оналиқ ҳукуқини чеклаш эса, уларнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар, яъни оғир кечётган касаллик ёки руҳий ҳолати билан боғлиқ касаллик оқибатида

⁷ Бурдо Е.П. “Ограничение родительских прав как институт семейного права” УДК 347.634

фарзандларига нисбатан ота-оналиктай мажбуриятларини бажара олмай қолган ҳолатларда ҳам боланинг манфаатини кўзлаб амалга оширилиши мумкин.

-бешинчидан, ота-оналиктай хукуки чекланган вақтда ота-она фарзандини шахсан тарбиялаш ва унинг манфаатида бериладиган нафака ва имтиёзлардан маҳрум бўлса, ота-оналиктай хукуқидан маҳрум этилганда эса, ота-она қайси болага нисбатан ота-оналиктай хукуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлиқ фактига асосланган барча хукуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш хукуқидан маҳрум бўлади.

Юқорида, болани ота-она тарбиясидан суд тартибида олиб қўйиш ёки ота-оналиктай хукуқини чеклаш учун уларнинг хулқ-атвори болага нисбатан хавф туғдириши ёки оиласвий муҳитда бола учун хавф туғилиши асос бўлишига тўхталиқ. Бироқ амалдаги қонун ҳужжатларида мазкур тушунча мазмуни очиб берилмаган.

Шу ўринда, илмий изланишилар натижасига кўра ота-онанинг болага нисбатан хавф туғдирувчи хулқ-атвори тўғрисида олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд.

Мисол учун, И.Ординарцевнинг фикрича, оила қонунчилигига у ёки бу низони ҳал этишда муҳим аҳамият касб этувчи баҳолаш омилларидан бири бу-ата-оналиктай хукуқини чеклашга асос бўлиб хизмат қилувчи “хавф” тушунчасидир. Бироқ қонун ота-оналиктай хукуқини чеклаш учун асос бўлиб ҳисобланувчи ота-онанинг ўзига боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган айбли қилмишни белгилаб берган бўлсада, бола учун хавф туғдириш тушунчасини аниқ мезонлар билан белгилаб бермаган⁸.

С.И.Смирновская⁹ “хавф остида қолиш” тушунчасини РФ “Вояга етмаганлар хукуқбузарлиги ва профилактикаси тизими асослари тўғрисида”ги қонун асосида аниқлашни таклиф этган.

Ёки Н.Абляптеева¹⁰ ўз қарашларида “қонунчиликда, ота-оналиктай хукуқини чеклаш асносида болани уларнинг тарбиясидан олиш учун аниқ талаблар белгиланмаганлигини таъкидлаш жоиз, айни вақтда бола учун ота ёки она томонидан туғдирилган хавф даражаси ҳар бир ҳолатда боланинг ёши, соғлиги ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб аниқланади. “Хавф” тушунчаси, боланинг шахси, ҳаёти, соғлиғига нисбатан жисмоний ва маънан хавф туғдирилиши сифатида баҳоланади”.

Ўз навбатида, Е.П.Бурно¹¹ “ата-онанинг бола учун хавф туғдирувчи салбий муносабатларига: ота-онанинг спиртли ичимликларни суистеъмол қилиши билан боғлиқ

⁸ Ординарцев И.И. “Вестник Московского Университета МВД России. №3.2011 г.

⁹ Смирновская С.И. Указ.соч. -С.17.

¹⁰ Абляптеева Н.А., Ю.С.Луговая. Крымский вестник. №1.(22). 2019 г.

¹¹ “Ограничение родительских прав как институт семейного права” УДК 347.634

тез-тез такрорланувчи жанжал, келишмовчиликлар, бола доимий равища ота-она назоратисиз ўз ҳолига ташлаб қўйилиши ва ҳоказолар киради” деб баҳолайди.

Фикримизча, ота-онанинг боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдиришида ифодаланган ҳатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини баҳолашда, “хавф” тушунчаси мазмунини қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда “хавф” тушунчасини “оиланинг яшаши шароитларини ўрганиш ҳақидаги далолатнома, васийлик ва ҳомийлик органининг тушунтиришилари, тиббий хулоса, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа фактик далиллар билан тасдиқланган, оиласда ота-онанинг (ёки улардан бири) хулқ-автори боланинг шахси, ҳаёти, соглигига нисбатан жисмоний ёки маънан хавф түгдирини” маъносида ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Бунда оиласда юзага келган салбий вазиятда ота-онанинг айбли ёки айбли эмаслиги ёхуд бирор бир оқибатнинг келиб чиқиши муҳим шарт эмас, балки ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш учун, уларнинг айбидан қатъий назар оиласда бола учун хавфли бўлган муҳитнинг юзага келишининг ўзи етарлидир.

Ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш жараёни, судга даъво аризаси киритиш билан бошланади. Мазкур даъво талаби, боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун билан зиммасига юклатилган органлар ва муассасалар, мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим муассасалари ва бошқа муассасалар, шунингдек прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин¹².

Амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилиги талабига кўра, судда ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар умумий тартибда прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади.

Таъкидлаш жоизки, ота-оналиқ ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди. Мазкур низони судда қўриш баробарида, суд ота-онадан (уларнинг биридан) боланинг таъминоти учун алимент ундириш масаласини ҳал қиласди¹³.

Шу билан бирга, ота-онаси ўзига нисбатан ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган бола турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини, ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган мулкий ҳуқуқларини, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини ҳам сақлаб қолади.

¹² Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-б-сонга илова; 2003 й., 03/24/905/0106-сон.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-б-сонга илова; 2003 й., 03/24/905/0106-сон.

Суд томонидан ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган ота-онанинг бола билан кўришиши унга салбий таъсир кўрсатмаса, кўришишга рухсат берилиши мумкин. Бундай кўришишга васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан, агар васий (ҳомий) тайинланган бўлса, унинг, ёхуд боланинг тутинган ота-онаси ёинки бола турган муассаса маъмуриятининг розилиги билан йўл кўйилади.

Гарчи, қонунда ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ норма киритирилган бўлсада, ота-онанинг болага нисбатан салбий таъсир кўрсатиши айнан нимада ифодаланиши мумкинлиги аниқ белгиланмаган.

Суд амалиётидан болага салбий таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида, бола билан кўришганда ота-онанинг спиртли ичимлик ичган маст ҳолатда бўлиши, боланинг тарбиясига аралashiш, ҳукуқбузарлик ва бошқа қилмиш содир этишга болани қизиқтириш ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Шу ўринда, ота-она (улардан бири)нинг ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган тақдирида, суд томонидан боланинг тақдири қандай ҳал этилиши борасида ҳам айrim мунозарали масалалар мавжуд.

Хусусан, оила қонунчилигида ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш асослари аниқ белгилангани холда, келгусида боланинг ҳуқуқий мақоми, уни жойлаштириш шакли тўлиқ тартибга солинмаганлиги, мазкур нормаларни судлар томонидан турлича талкин қилинишига олиб келиши мумкин.

Мисол учун, оила қонунчилигида ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналиқ ҳуқуқи чекланиб, бола уларнинг тарбиясидан олинган ҳолларда болани васийлик ва ҳомийлик органига олиб берилиши қўзда тутилган. Бироқ, бола ота-онадан бирининг тарбиясидан олинганда, иккинчиси болани тарбиясига олиш истаги бўлмаса ёки у узоқ муддатли бошқа давлатда бўлса ёинки унинг шарт-шароитлари болани тарбиясига олиши учун етарли бўлмаган ҳолларда боланинг тақдири қандай ҳал этилиши қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган.

Фикримизча, Оила Кодексининг 84-моддаси 4-қисмини, “*болани ота ёки онасига берининг имконияти бўлмаган ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган тақдирида, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилади*” деб тўлдириш мақсадга мувофик.

Суд амалиётида ота-оналиқ ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ қонун нормаларини кўллаш билан боғлиқ айrim муаммоли вазиятлар ҳам учрайди.

Даъвогар Ш. судга даъво аризаси билан мурожсаат қилиб жавобгар М. билан 2012 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуши қурганликларини, биргаликдаги турмушиларидан икки нафар 1999 йилда тугилган Н. ва 2007 йилда тугилган Л. исмли фарзандлари

түгилганигини, оилавий келишмовчиликлар сабабли 2012 йилда қонуний никоҳдан ажрашганликларини, 2012 йилдаги суд буйругига асосан фарзандининг таъминоти учун алимент ундириши белгиланганигини, жавобгар 2011 йилда Россия Федерациясига чиқиб кетганигини, бугунги кунга қадар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент тўламаганлигини, алимент қарздорлиги 72.659.809 сўмни ташкил қилишини баён қилиб, жавобгар М.ни Л. исмли фарзандига нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилишини сўраган.

Суднинг 2022 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгар М.нинг вояга етмаган фарзанди Л.га нисбатан оталик ҳуқуқи чекланган.

Судда оталик ҳуқуқини чеклаш учун асос сифатида, жавобгарнинг Россия Федерациясида бўлганиги, ўз фарзандини таъминлаш ва тарбиялаш мажбуриятини бажара олмаслиги кўрсатилгани ҳолда, бир вақтнинг ўзида болани отаси билан кўришиб туриши боланинг тарбиясига жисдий таъсир кўрсатувчи омил сифатида баҳоланган.

Суд, жавобгарнинг оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиши билан боғлиқ даъво талабини муҳокама қилиб, қандай асосларга кўра отаси тарбиясида бўлмаган болани унинг тарбиясидан олиши ёки оталик ҳуқуқини чеклаш учун зарурат борлигини асослантиргаган.

Шу ўринда, болалар тарбияси билан боғлиқ низоларнинг судда кўришиши амалиётини ўрганиш ва таҳлил этиши натижалари ота-оналик ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ нормани қўллаш билан боғлиқ айrim муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ўзаро келишмовчиликлар, оиланинг дарз кетиши, алоҳида яшаётган ота-оналар ўртасида фарзандлари тарбиясида иштирок этиш билан боғлиқ низоларни келтириб чиқаради.

Оила кодексининг 76-моддаси талабига кўра, боладан алоҳида яшаётган ота (она) бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашишга ҳақли.

Агар фарзанди қарамоғида бўлган ота ёки она, хулқ-автори болага хавф тутдираётган ота (она)ни келгусида боланинг тарбиясида иштирок этиш орқали унинг ҳаёти ва соғлигига зарар етказишини олдини олиш мақсадида, унинг ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилган ҳолларда, ОКнинг 83-моддасини кўллаб талабни қаноатлантириш мунозарали, чунки норма мазмуни фақат қонунда белгиланган ҳолларда, **болани ота-онасидан олишнигина** назарда тутади.

Шунга кўра оила қонунчилигига агар ота-онанинг хулқатвори боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирганда, улар (улардан бири) боладан алоҳида яшаган ҳолларда ҳам ота-оналик хуқуқини чеклаш мумкинлиги билан боғлиқ ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур нормани такомиллаштириш орқали суд амалиётида, фарзандидан алоҳида яшаётган, ўз навбатида қонун талаби бўйича бола тарбиясида иштирок этиш хуқуқига эга бўлган, бироқ унинг бу хуқуқини амалга ошириши боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ҳолларда ота-онани (улардан бири) ота-оналик хуқуқини чеклаш учун хуқуқий асос бўлади.

Шу ўринда, фарзандига нисбатан ота-оналик хуқуқи чекланган ота-она ва оиласидаги ижтимоий муҳитни ўрганиши, оиласидаги боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф тугдираётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиши борасида чоратадбирларни кўриши орқали келгусида болаларни нормал оиласий муҳит ва қондоши ота-она тарбиясига қайтариши имкониятлари яратилиши мумкин бўлади.